ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL

INTERNATIONAL JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 1, 2021

ISSN 2181-1490
Doi Journal 10.26739/2181-1490

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

TOSHKENT-2021

ALISHER NAVOIYNING 580 YILLIK YUBILEYIGA BAG'ISHLANADI

ПОСВЯЩАЕТСЯ 580 ЛЕТНОМУ ЮБИЛЕЙЮ АЛИШЕРА НАВОИ

DEDICATED TO THE 580th ANNIVERSARY OF THE BIRTH OF ALISHER NAVOI

Buyuk shoir va mutafakkir, atoqli davlat va jamoat arbobi Alisher Navoiyning bebaho ijodiy-ilmiy merosi nafaqat xalqimiz, balki jahon adabiyoti tarixida, milliy madaniyatimiz va adabiy-estetik tafakkurimiz rivojida alohida o'rin tutadi. Ulug' shoir o'zining she'riy va nasriy asarlarida yuksak umuminsoniy g'oyalarni, ona tilimizning beqiyos so'z boyligi va cheksiz ifoda imkoniyatlarini butun jozibasi va latofati bilan namoyon etib, yer yuzidagi millionlab kitobxonlar qalbidan munosib va mustahkam o'rin egalladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev

Бесценное творческое и научное наследие великого поэта и мыслителя, известного государственного и общественного деятеля Алишера Навои играет важную роль в истории не только отечественной, но и мировой литературы, развитии национальной культуры и литературно-эстетического мышления. В своих лирических и прозаических произведениях великий поэт, воспевая высокие общечеловеческие идеи, демонстрировал богатый лексический запас и выразительные средства родного языка, благодаря чему занял достойное место в сердцах миллионов читателей по всему миру.

Президент Республики Узбекистан
Шавкат Миромонович Мирзиёев

The invaluable creative and scientific heritage of the great poet and thinker, famous statesman and public figure Alisher Navoi has a special place not only in the history of our people, but also in the history of world literature, the development of our national culture and literary and aesthetic thinking. The great poet, in his poetic and prose works, with his whole charm and grace, has taken a worthy place in the hearts of millions of readers around the world, expressing the high universal ideas, the incomparable richness of words and the infinite possibilities of expression of our native language.

President of the Republic of Uzbekistan
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

Bosh muharrir:

Mirzayev Ibodulla
f.f.d., professor
(O‘zbekiston)

Bosh muharrir o‘rinbosari:

Jabborov Nurboy
f.f.d., professor
(O‘zbekiston)

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI HAY’AT A’ZOLARI:

Muhiddinov Muslihiddin
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Sirojiddinov Shuhrat
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

O‘nal Kaya
f.f.d., professor (Turkiya)

Haqqulov Ibrohim
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Dilorom Salohiy
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Sodiqov Qosimjon
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Mark Tutan
f.f.d., professor (Fransiya)

Binnatova Almaz Ulvi
f.f.d., professor (Ozarbayjon)

Abduqodirov Abdusalom
f.f.d., professor (Tojikiston)

To‘xliyev Boqijon
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Shodmonov Nafas
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Ramiz Asker
f.f.d., professor (Ozarbayjon)

Yo‘ldoshev Qozoqboy
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Jo‘raqulov Uzoq
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Vohid Turk
f.f.d., professor (Turkiya)

Nabiulina Guzal
f.f.d., professor (Tatariston)

Ibrohim Xudoyor
f.f.d., (Eron)

Yusupova Dilnavoz
f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)

Rahim Ibrohim
f.f.d., professor (Afg‘oniston)

Ruzmanova Roxila
f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI ILMIY MASLAHAT KENGASHI A’ZOLARI:

Xalmuradov Rustam
t.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normurodov Hasan
O‘zbekiston qahramoni (O‘zbekiston)
Sirojiddin Sayyid
O‘zbekiston xalq shoiri (O‘zbekiston)
To‘xtasinov Ilhom
p.f.d. (O‘zbekiston)
Rixsiyeva Gulchehra
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Toshqulov Abduqodir
i.f.n., (O‘zbekiston)
Benedek Peri
f.f.d., professor (Vengriya)
Jurayev Mamatqul
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Olimov Karomatillo
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dadaboyev Hamidulla
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Aitpayeva Gulnora
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Grigoryev Mixail
f.f.d., professor (Rossiya)
Shomusarov Shorustam
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dyu Rye Andre
f.f.d., professor (Fransiya)
Pervin Chapan
f.f.d., professor (Turkiya)
Safarov Renat
f.f.d., professor (Tatariston)
Hamroyev Juma
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibrohimov Elchin
f.f.n., professor (Ozarbayjon)
Jo‘rayev Shokirjon
F-m.f.d., professor (O‘zbekiston)
Hasanov Shavkat
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nurullo Oltoy
f.f.n., (Afg‘oniston)
Xalliyeva Gulnoz
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nodira Afoqova
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Aftondil Erkinov
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Главный редактор:

Мирзаев Ибадулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Жабборов Нурбой
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

ЧЛЕНЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА АЛИШЕРА НАВОИ:

Мухиддинов Муслихиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сирожиддинов Шухрат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Унал Кая
д.ф.н., профессор (Турция)

Хаккулов Иброхим
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилором Салохий
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Содиков Косимжон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Марк Тутан
д.ф.н., профессор (Франция)

Биннатова Алмаз Улви
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Абдукодиров Абдусалом
д.ф.н., профессор (Таджикистан)

Тухлиев Бокижон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шодмонов Нафас
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Рамиз Аскер
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Юлдашев Казакбай
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Журакулов Узок
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Вохид Турк
д.ф.н., профессор (Турция)

Набиулина Гузаль
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Иброхим Худоёр
д.ф.н., (Иран)

Юсупова Дилнавоз
д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Рахим Иброхим
д.ф.н., профессор (Афганистан)

Рузманова Рохила
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

ЧЛЕНЫ НАУЧНОГО КОНСУЛЬТАТИВНОГО СОВЕТА МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА АЛИШЕРА НАВОИ:

Халмурадов Рустам
д.т.н., профессор (Узбекистан)
Нормуродов Хасан
Герой Узбекистана (Узбекистан)
Сирожиддин Саййид
Народный поэт Узбекистана (Узбекистан)
Тухтасинов Илхам
д.п.н. (Узбекистан)
Рихсиева Гулчехра
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Тошкулов Абдукодир
к.э.н., (Узбекистан)
Бенедек Пери
д.ф.н., профессор (Венгрия)
Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Олимов Кароматилло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дадабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Аитпаева Гулнора
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Григорьев Михаил
д.ф.н., профессор (Россия)
Шомусаров Шорустам
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дю Рье Андре
д.ф.н., профессор (Франция)
Первин Чапан
д.ф.н., профессор (Турция)
Сафаров Ренат
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Хамроев Джума
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Иброхимов Элчин
к.ф.н., профессор (Азербайджан)
Джураев Шокирджон
д.ф-м. н., профессор (Узбекистан)
Хасанов Шавкат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нурулло Олтой
к.ф.н., (Афганистан)
Халлиева Гулноз
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нодира Афокова
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Афтондил Эркинов
д.ф.н., профессор (Узбекистан

Chief Editor:

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien.,professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor:

Jabborov Nurboy
Doc. of philol. scien., professor (Uzbekistan)

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD OF INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER NAVOI:

Mukhiddinov Muslikhiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Sirojiddinov Shukhrat
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Unay Kaya
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Khakkulov Ibrokhim
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dilorom Salokhiy
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Sodikov Kosimjon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Mark Tutan
Doc. of philol. scien., prof. (France)
Binnatova Almaz Ulvi
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Abdukodirov Abdusalom
Doc. of philol. scien., prof. (Tajikistan)
Tukhliev Bokijon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Shodmonov Nafas
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Ramiz Asker
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Yuldoshev Kozokboy
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Jurakulov Uzok
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Vokhid Turk
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Nabiulina Guzal
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)
Ibrokhim Khudoyor
Doc.. of philol. scien., (Iran)
Yusupova Dilnavoz
Doc.. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)
Rakhim Ibrokhim
Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)
Ruzmanova Rokhila
Cand. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)

MEMBERS OF SCIENTIFIC ADVISORY BOARD OF INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER NAVOI:

Khalmuradov Rustam
Doc. of technic. scien., prof. (Uzbekistan)
Normurodov Khasan
Hero of Uzbekistan (Uzbekistan)
Sirojiddin Sayyid
People's poet of Uzbekistan (Uzbekistan)
Tukhtasinov Ilkhom
Doc. of pedag. scien. (Uzbekistan)
Rikhsieva Gulchekhra
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Toshkulov Abdukodir
Doc. of econ. scien., (Uzbekistan)
Benedek Peri *Doc. of philol. scien., prof. (Hungary)*
Juraev Mamatkul *Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)*
Olimov Karomatullo *Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)*
Dadaboev Khamidulla *Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)*
Aitpaeva Gulnora *Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)*
Grigorev Mikhail *Doc. of philol. scien., prof. (Russia)*
Shomusarov Shorustam *Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)*
Dyu Rye Andre *Doc. of philol. scien., prof. (France)*
Pervin Chapan *Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)*
Safarov Renat
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)
Khamroev Juma
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Ibrokhimov Elchin
Cand. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Juraev Shokirjon
Doc. of phys.-math. scien., prof. (Uzbekistan)
Khasanov Shavkat
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Nurullo Oltoy
Cand. of philol. scien., (Afghanistan)
Khallieva Gulnoz
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Nodira Afokova
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Aftondil Erkinov
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Саҳифаловчи: Абдулазиз Мухаммадиев

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улицв Амира Темура пр. 1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editarial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr. 1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI

1.Dadaboyev Hamidulla
TORTMOQ LEKSIKASINING ALISHER NAVOIY DAVRI ESKI O‘ZBEK ADABIY TILIDAGI MA’NOVIY QURILISHI 9

NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI

2.Кholbekov Muhammadjon
PERCEPTION AND INTERPRETATION OF CREATIVITY OF ALISHER NAVOI IN FRENCH ORIENTAL STUDIES 17

HAQIQAT SARI SAFAR

3.Muhiddinov Muslihiddin
SO‘Z FAZILATI 29
4.Tanju Seyhan
ALÎ ŞÎR NEVÂYÎ’DE SÖZ CEVHERİ, YERİ VE SÖZ SÖYLEME SANATI.....36

MA’RIFAT YOG‘DUSI

5.Ibrohim Haqqul
NAVOIY SHE’RIYATIDA TARK TUSHUNCHASI.....47

NAVOIY POETIKASI

6.Salohiy Dilorom
ALISHER NAVOIY LIRIKASIDA BADIIY SAN’ATKORLIK MASALALARI.....53
7.Abduqodirov Abdusalom
NAVOIYNING TOJIK TILIDA TATABBU’ G‘AZAL YARATISH MAHORATI 63

ASLIYAT UMMONIDAN

8.Bertels Y.E
NAVOIY VA ATTOR. Rus tilidan I.K.Mirzayev tarjimasi.....67
9.Erkinov Aftondil, Qurbonov Abdumalik
ZIGRID KLAYNMIXEL – NAVOIY IJODINING XORIJLIK TADQIQOTCHISI (Z.KLAYNMIXEL MAQOLASIGA SO‘ZBOSHI).....82

BAHOSIZ BITIKLAR

10.Sodiqov Qosimjon
«MUHOKAMATU-L-LUG‘ATAYN» QO‘LYOZMALARINING CHOG‘ISHTIRMA TAHLILI VA ASAR VARIANTLILIGI MASALASI.....92
11.Yusupova Dilnavoz
MUXLISLAR TOMONIDAN TUZILGAN DEVONLAR: TALQIN, TAHLIL VA TAHRIR.....101

TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O‘ZBEK ADABIYOTI

12.Jabborov Nurboy
MIRZO ULUG‘BEK DAVRI ADABIYOTI ALISHER NAVOIY TALQINIDA.....111

NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI

13.Jo‘raqulov Uzoq
“XAMSA”DA IDEAL TARIXIY OBRAZLAR TALQINI.....121
14.Ataniyazova Muborak
OLIM SHARAFIDDINOV VA NAVOIYSHUNOSLIK ILMI MUAMMOLARI.....137

NAVOIY VA ADABIY TA’SIR MASALALARI

15.Binnatova Olmos Ulviy
ALISHER NAVOIY MEROSINING ILMIY-NAZARIY TADQIQOTLARI TARIXIDAN.....146
16.Mare Toutant
LA REPONSE DU POÈTE CHAGHATAY NAVĀ’Ī AU POÈTE PERSAN NIẒĀMĪ: LE SULTAN TIMOURIDE, « REFUGE DE LA CHARIA ».....153
17.Amir Nemati Lima’i
A COMPARISON: AMIR ALISHIR NAVA’I THE COUNTERPART OF KHAWAJA NIZAM AL-MULK TUSI OR KHAWAJA RASHID AL-DIN FADLULLAH HAMADANI 169
18.Xalliyeva Gulnoz, To‘rayeva Bahor
NAVOIYSHUNOS Y.BERTELSNING KOMPARATIVISTIK TADQIQOTLARI XUSUSIDA.....178
19.Muhitdinova Badia Muslihiddinovna
THE IDEOLOGICAL DIRECTION AND MAIN ARTISTIC IMAGES OF DASTANS “KHUSRAV AND SHIRIN” AND “FARHOD AND SHIRIN”.....192
20.Ruzmanova Roxila
ALISHER NAVOIY G‘AZALLARI TA’SIRIDA YOZILGAN 33 NAZIRA.....205

НАВОИЙШУНОС Е.БЕРТЕЛЬСНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ХУСУСИДА

Гулноз Халлиева
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори, филология фанлари доктори
Баҳор Тўраева
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

For citation: Khallieva G., Turaeva B. COMPARATIVE STUDIES OF E.BERTELS ON NAVOI WORKS. Alisher Navoi. 2021, vol. 1, issue 1, (178-191) pp.

DOI 10.26739/2181-1490-2021-1-18

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек мумтоз адабиётини юксак текстологик тайёргарлик асосида жиддий ўрганган шарқшунослардан бири Е.Э.Бертельс (1881–1957)нинг илмий фаолияти тадқиқ этилган. Мақоланинг мақсади XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқини маданий-адабий, тарихий-ижтимоий жараёнлар билан боғлиқликда қиёсий жиҳатдан очиб бериш ва рус олимларининг адабий-эстетик қарашларини объектив баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари рус адабиётшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланиш босқичларини маданиятлараро мулоқот ва рецепция ракурсида очиб бериш, рус шарқшуносларини қизиқтирган асосий мавзу ва муаммоларни аниқлаш, рус шарқшунослигини интеграл объект сифатида маданий-адабий, ижтимоий, коммуникатив аспектда ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича нашр қилинган илмий ишлар ва архив материаллари ташкил қилади. Тадқиқотнинг предмети XX аср рус шарқшунослигидаги туркологик тадқиқотларнинг қиёсий таҳлилидан иборат.

Мавзуни ёритишда тарихий-генетик, тарихий-функционал, қиёсий-тарихий ва статистик методларга асосланган.

Хуллас, XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишини тадқиқ қилиш давомида умуминсоний қадриятнинг узвий қисми бўлмиш ўзбек адабиётининг адабий-эстетик қиммати, энг асосийси, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий ва бошқа мутафаккир шоирлар яратган ўлмас асарлар нафақат ўзбек миллатининг, балки жаҳон маданияти ва адабиётининг бебаҳо дурдонаси эканлиги яна бир бор исботланди.

Калит сўзлар: Навоий, тасаввуф, туркий адабиёт, достон, ҳикоят, микрокомпаративистика, «Лисон ут-тайр», назира, «Сабъаи сайёр», «Ҳафт пайкар».

О КОМПАРАТИВИСТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ Е.Э.БЕРТЕЛЬСА

Гулноз Халлиева
профессор Узбекского государственного университета мировых языков, доктор филологических наук
Бахор Тураева
доцент Узбекского государственного университета мировых языков, доктор философии (PhD) по филологическим наукам

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется научная деятельность Э. Е. Бертельс (1881–1957), одного из востоковедов, серьезно изучавших узбекскую классическую литературу на основе высокой текстологической подготовки.

Цель статьи - выявить литературную критику узбекской классической литературы в русском востоковедении XX века в сравнительном исследовании процесса исследования узбекской классической литературы в связи с культурно-литературными и историко-социальными процессами и непредвзятой оценкой русского языка.

Задачи статьи – исследование этапов формирования научного подхода и интереса к узбекской классической литературе в русском востоковедении в ракурсе межкультурных связей и рецепции; определение основной тематики и проблематики, интересовавших русских востоковедов; изучение русского востоковедения в качестве интегрального объекта в культурно-литературном, социальном и коммуникативном аспектах.

Объектом статьи является изданные труды и архивные материалы по изучению узбекской классической литературы в русском востоковедение XX века.

Предмет статьи состоит из сравнительного анализа тюркологических исследований в русском востоковведении XX века.

Тема исследования освещена на основе историко-генетического, историко-функционального, сравнительно-исторического и статистического методов.

В ходе исследования научных работ по узбекской классической литературе в русском востоковедении в очередной раз было доказано, что литературно-эстетическая ценность узбекской литературы, и самое главное, бессмертные произведения Алишера Навои, Бабура, Муниса, Агахи и других поэтов-мыслителей являются бесценной жемчужиной не только узбекского народа, но и мировой культуры и литературы.

Ключевые слова: Наваи, мистицизм, тюркская литература, эпос, рассказ, микрокомпаративистика, «Лисан ут-тайр» (Язык птиц), назира (литературный стиль), «Сабъаи сайёр» (Семь планет), «Хафт пайкар». (Семь фей).

COMPARATIVE STUDIES OF E.BERTELS ON NAVOI WORKS

Gulnoz Khallieva
professor of Uzbekistan State World Languages University, doctor of Philological Sciences
Bahor Turaeva
associate professor of Uzbekistan State World Languages University, doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

ANNOTATION

The article studies the scientific activity of E. E. Bertels (1881-1957), one of the orientalists who seriously studied Uzbek classical literature on the basis of high textological training.

The aim of the article is to reveal the literary criticism of Uzbek classical literature in Russian orientalism of the XX century in comparatively study of the process of the Uzbek classical literature research in connection with cultural, literary and historical-social processes, unbias evaluation of Russian scholars literary-aesthetic viewpoints.

The tasks of the article are to study the interest in the Uzbek classical literature and scientific approach formation of stages in Russian literature study from intercultural and reception aspect, to determine basic topics and problems interested Russian orientalists, study Russian oriental studies as an integral object of from cultural-literary, social and communicative aspects.

The object of the article comprises published scientific works and archive materials on the Uzbek classical literature on Russian Oriental studies of the XX century.

The subject of the article is comparative study of the turkological researches in Russian orientalism of the XX century.

Historical and genetic, historical-functional, comparative-historical and statistical methods have been based on the topic.

In the process of researching of the study of Uzbek classical literature in the XX century Russian orientalism it was proved one more time that Uzbek literature as an integrated part of literature common to all people the literary aesthetic value of Uzbek literature and the most important thing is that everlasting creative works by Alisher Navoi, Babur, Munis, Ogahi and other thinkers are not only Uzbek people's precious pearl but also belong to the world culture and literature.

Key words: Navoi, mysticism, Turkic literature, epos, story, micro-comparative, "Lison ut-tayr"(The Language of Birds), nazira (literary style), "Sabai Sayyar" (Seven Planets) and "Haft Paykar" (Seven Fairies).

Е.Э.Бертельснинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича қиёсий изланишлари асосан Навоий ижодининг бетакрорлиги ва оригиналлигини исботлашга қаратилган. Албатта, олимнинг бу борадаги ишлари осон кечмаган. Қиёслаш учун ҳар иккала манбанинг энг майда тафсилотларигача танишиш, ўзига хос томонлар – яралиш тарихи, давр таъсири, тили, услуби, жанрий хусусиятлари, муаллиф шахси кабиларни бирламчи қўлёзма манбаларга таянган ҳолда ўрганиб чиқиш олимдан илм, куч-қудрат ва сабр-бардош талаб этади.

Алишер Навоий ижодини ўрганишга Е.Э.Бертельс XX асрнинг 20– йилларидан киришади ва ишни адиб асарларининг қадим қўлёзмаларини топишдан бошлайди. Олимни кўпроқ асл ёки муаллиф даврига яқин нусха қизиқтиради. Буни аниқлаш учун у анча текстологик изланишлар олиб борган, олим «Аввало тарих билан қизиққан, тасаввуфни, Шарқдаги бошқа таълимотларни, диний билимларни ўрганган, ундан кейин Навоий ижодини ўрганишга киришган» [Ҳаққул И.Ч. 2009: 316].

Навоийнинг ижодий шахсияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун олим даставвал Навоийни шакллантирган муҳит ва шу давр туркий тили, поэзияси, шоирлари, темурийлар фаолияти билан қизиқади. Изланишлари натижасида Навоий монографиясини яратади. [Бертельс Е.Э. 1965: 46−64]. Е.Э.Бертельс XIX аср охирларига келиб Европа

шарқшунослари томонидан туркий тилнинг «чиғатой тили» деб нотўғри номлангани, аслида «эски ўзбек адабий тили» тарзида номлаш кераклигини қайд қилади. Дарҳақиқат, XX асрда яратилган илмий адабиётлар кузатилганда, бу борада маълум бир тўхтамга келинмагани, кўпгина олимларнинг бу давр адабиётини "чиғатой адабиёти" деб номлагани кўринади. Мумтоз адабиётни бундай номлаш ҳозир ҳам давом этмоқда [Andras J.E. 2001].

Айрим омилларни ҳисобга олиб, А.Н.Самойлович ҳам мазкур давр тилини «Ўрта Осиё ислом даври туркий адабий тили» деб номлашни таклиф қилган (... *я позволю себе высказать, на основании современного состояния разработки вопроса этой темы, мнение, по существу было бы правильнее признавать единый «средниазиатско–турецкий литературный язык исламской эпохи» и установить внутри этого языка несколько периодов его развития)* [Самойлович А.Н. 1928: 1–24].

Е.Э.Бертельс Лутфий ва туюқ жанрининг туркий адабиётга хослиги ҳақида ёза туриб, бу жанр сўз ўйинини яхши кўрадиган туркий халқлар фольклоридан келиб чиққан, деган мулоҳазани билдиради [Бертельс Е.Э. 1965: 57]. Лутфий туюқлари ҳақида Е.Э.Бертельсдан олдин А.Н.Самойлович ҳам фикр билдирган, аммо у Лутфийнинг бошловчилик хусусиятига, маҳоратига эътиборни қаратмаган [Самойлович А.Н. 1926:78–80].

Е.Э.Бертельс Навоийнинг ижодий камолига шароит яратиб берган ва қўллаб-қувватлаган, туркий тил ривожига муносиб ҳисса қўшган Ҳусайн Бойқаронинг шоҳ ва шоирлик фаолиятини ҳам ўрганади. Шайбонийхон мухолиф бўлишига қарамасдан уни тан олгани, «Бобурнома»га асосланиб, унинг «Пайғамбар замонидан буён бу каби оқил, зиёли, илмни қадрлайдиган подшо бўлмаган», деб айтгани ҳақида хабар беради [Бертельс Е.Э. 1965: 63]. Хуллас, мақолада қуйидаги икки муҳим масала ўз ечимини топади: 1)Навоий даври адабиётини «эски ўзбек мумтоз адабиёти» деб номлаш; 2)Навоий ижодий шахсиятининг шаклланишида роль ўйнаган адабий муҳит, давр, ижтимоий омилларни кўрсатиш.

1928 йилда Е.Э.Бертельс «Навоий ва Аттор» номли мақоласини эълон қилади [Мир Али Шир 1928: 24−83]. Мақола кейинчалик олимнинг танланган асарлари таркибига киритилган [Бертельс Е.Э. 1965: 377−421].

Мазкур илмий ишнинг юзага келиши билан Алишер Навоийнинг оригинал ижодига шубҳа билан қаровчи олимларнинг тахминларига узил-кесил чек қўйилади. Е.Э.Бертельс навоийшуносликда бошлаб берган янги **«эра»** қуйидаги нуқталарни жойидан силжитади: Навоий асарларига қизиқиш кучаяди; илгари форсий адабиёт такрори деб таржима қилинмаган Навоий асарлари таржима қилина бошлайди; Навоий асарларига ёндашиш тамойиллари шаклланади.

Сюжет – Е.Э.Бертельс назарида нақш тикиладиган асос, ундаги нақшлар эса – ҳар бир шоирнинг ўзига хослиги (*Сюжет лишь основа, канва по которым поэт вышивает свои пёстрые узоры)* [Бертельс Е.Э. 1965:378]. Демак, у ёки бу шоир ижодини объектив баҳолаш учун асосий эътиборни ўша **«нақш»**ларга қаратиш керак.Олим ана шундай тасаввур билан туркий ва форсий адабиётнинг таҳлилига киришиш лозимлигини таъкидлайди. Бунда ҳар иккала асарни майда деталларигача ўрганиб чиқиш керак, фақат шу йўл билан туркий адабиётнинг мусулмон маданиятидаги ўрнини белгилаш мумкин. Муаллиф М.Белен, М.Никитский, Э.Блоше каби шарқшуносларнинг шошма-шошарлик билан иш кўргани, айниқса, Э.Блоше Навоийни ҳеч асоссиз равишда таржимон дегани, ваҳоланки, таржима – индивидуал хусусиятлар минимум даражада акс этадиган асар эканлиги ҳақида ёзади.

Е.Э.Бертельс таҳлил жараёнида асарларнинг асосан фабуласига эътибор қилиш, қисқа тавсиф билан чегараланиш *туркий адабиёт тўла қимматга эга эмас, форсий адабиётнинг такрори* деган нотўғри хулосага олиб келганини маълум қилади. Илмда таъкидланишича, бу хато Европа олимларининг ирқчилик назарияси қолипида қолиб, Шарқ халқларига паст назар билан қараганидан, уларни маънавий бойлик яратишга ноқобил деб тушунишларидан келиб чиққан. Бизнингча, ўша даврда туркий адабиётнинг ҳали атрофлича, чуқур ўрганилмагани ҳам ҳар хил нуқтаи назарни юзага келтирган.

Нима учун муаллиф айнан «Лисон ут-тайр» билан «Мантиқ ут-тайр» достонларини қиёслаган? – деган ҳақли савол туғилади. Е.Э.Бертельснинг ўзи бунинг сабабини, аввало, тасаввуфий адабиёт унинг махсус шуғулланиш объекти эканлиги, иккинчидан, Фаридиддин Аттор асарларини ўрганиш билан анча йиллардан бери шуғулланаётгани, учинчидан, бу тадқиқот ҳали ўрганилмаган – Навоийнинг тасаввуфга бўлган муносабатига ойдинлик

киритишга ёрдам бериши билан изоҳлайди [Бертельс Е.Э. 1965: 379]. Олимнинг бу фикри бугунги кунда Аттор асарларини жиддий ўрганаётган рус олимаси Ю.Федорованинг электрон журналда эълон қилинган мақоласида ҳам қўллаб-қувватланган [http://e-notabene.ru/fr/article_13993.html

Бу тадқиқот ўзбек адабиётшунослигида жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган [Имомназаров М. 1998: 240; Ишанходжаев Ш. 1966: 30; Маллаев Н. 1976: 523]. Жумладан, М.Имомназаров Е.Э.Бертельснинг «Навои больше чем суфий» деб айтган эътирофи мақолада етарлича изоҳини топмаганини қайд қилади ҳамда таҳлил асосида «Навоийнинг мақсади ирфоний мақсадларни мўътадиллаштириш эмас, балки улар заминидан чекинмаган ҳолда янги уфқларни кашф этиш эди» – деган хулосага келади [Имомназаров М. 1998: 216]. Файласуф олим М.Арипов «Лисон ут-тайр» ва «Мантиқ ут-тайр» достонларининг ғоявий мотиви бир хил, Фоний тахаллуси шоирнинг Атторга руҳан яқинлиги белгиси эканлигини таъкидлайди [Арипов М. 1991: 169].

Е.Э.Бертельс даставвал «Лисон ут-тайр»дан асарнинг ёзилиш сабабига оид парчани таржимаси билан бирга келтиради. Муаллиф Навоийнинг ёшлигидан бу асарга иштиёқманд бўлгани, аммо умрининг охирида ёзишга киришгани, унинг камтарлик билан ёзган «*Мен бу дарё ичра дурри покни, топмайин йиғдим хошокни*» каби мисралари шарқона этикет, адабий анъана экани, асарни ёзишга киришиш Навоий учун осон кечмагани ҳақида ёзади.

Шундан кейин Е.Э.Бертельс мақоласининг асосий қисми бошланади. Олим киришдан бошлаб асарнинг охиригача бўлган сюжет чизиқларининг ҳар иккала асардаги инъикосини бирма-бир қиёслаб чиқади ва шундай хулосаларга келади:

Кириш қисм ҳар иккала муаллифда ҳамд ва наътдан иборат. Лекин Атторда ўта фалсафий, Навоийда ҳаётийроқ. Масалан, Аттор оламнинг мўъжизавий яратилишига кўпроқ эътибор қаратган бўлса, Навоий Иблиснинг ҳайдалиш ва инсоннинг улуғланиш эпизодига кенг ўрин беради [Бертельс Е.Э. 1965: 387].

Халифалар тавсифи ҳар иккала асарда ҳам мавжуд, аммо Навоийда ҳар халифа тавсифидан кейин бир ҳикоят келтирилган. Бошқача айтганда, Навоий Аттор концепциясини ўз даври ва муҳити руҳига мослайди.

Аттор достонида асосий қисм 12 та қушнинг тавсифи билан бошланади. Кейин Ҳудҳуднинг Семурғни излаб йўлга чиқиш кераклиги ҳақидаги нутқи келтирилади. Навоийда бу эпизод бутунлай бошқача тус олади, яъни қушларнинг йиғилиш сабаби ва йўлга чиқиш эҳтиёжи аниқ кўрсатилади, бу ўринда табақалаштириш мотиви киритилади. Ҳар хил қушлар бир манзилга йиғилади, ўрин учун талашади, ким-кимдан яхши эканликларини исботламоқчи бўлишади. Натижада шундай «хаос» юзага келадики, энди улар бошқарувчига, подшога эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж уларни йўлга чорлайди. Е.Э.Бертельс назарида Навоий қушларни ҳаракатга келтирадиган зўр асос (ҳаётда ўзи кўп кузатишига тўғри келган) табақаланиш мотивини топиб тўғри қилган ва бу билан давр ижтимоий ҳаётидаги айрим нуқсонларни кўрсата олган.

Достонда еттита водий тасвиридан бошқа барча воқеа-ҳодисалар 3 та босқичда тасвирланади, яъни қушларнинг ҳар хил баҳона излаб йўлга чиқмаслик учун Ҳудҳудга берган **саволи,** олган **жавоби** ва **ҳикоятлар**. Етти водий тасвири бошланиши билан, савол-жавоб тугайди, фақат иккита босқич қолади – водийларнинг тавсифи, дидактик ҳикоятлар. Аттор ва Навоий достонларининг асосий фабуласи юқоридагидек бир хил. Лекин Е.Э.Бертельс ҳар иккала асарни чуқур таҳлил қилиб шундай фарқларни топади.

Биринчидан, Навоий йўлга чиқиш муқаррарлигини англанган ва машаққатлар баён қилинган иккинчи қисмда қушлар орасига форсий адабиётда учрамайдиган **бургут ва лочин** образини киритади.

Иккинчидан, гарчи Навоий асарни ёзишда Аттор анъаналарини сақлаган бўлса ҳам, ҳикоятларни танлашга индивидуал ёндашади. Навоий келтирган 63 та ҳикоятдан фақат 12 таси Аттордан олинган, қолган 51 таси шоирнинг ижодий тафаккури маҳсулидир. Е.Э.Бертельснинг изоҳига кўра, Навоийга бу ҳикоятларни ёзишда Қуръон, ҳадислар, шайхлар ҳақидаги маноқиблар, араб ишқий беллетристикаси (саргузашт асарлари), форсий поэзия манба бўлиб хизмат қилган. Табиийки, шоир буларнинг ҳаммасидан хабардор бўлган. Баъзи ҳикоятлар Навоийнинг бой ҳаётий тажрибаси асосида баён қилинган, улар шоирнинг кузатишлари таъсирида юзага келган, дейиш мумкин. Бу жиҳатдан олим Навоий ижодини Саъдий бадиий мероси билан ҳамоҳангликда кўради. «Шоир ҳикоятларининг

Аттор ҳикоятларидан яна бир фарқли томони, – деб ёзади олим, уларнинг соғлом ва нозик ҳажв *(здоровый и тонкий* юмор*)* билан суғорилганлигидадир» [Бертельс Е.Э. 1965: 418].

Е.Э.Бертельс илмий меросининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у ҳар бир ҳикоя, илмий муаммо талқинида унинг манбасига ҳам ишора қилиб ўтади, аниқлаш имкони бўлмаганларни кейинги изланувчиларга ҳавола қилади [Бертельс Е.Э. 1965:406].

Учинчидан, Аттор достонидаги юқори пафос, баландпарвозлик, Навоий достонида ҳаётий оддий мантиқ билан алмашинилган. Шунинг учун ҳам шоирнинг достони дидактик характер касб этади. Е.Э.Бертельснинг фикрича, бу ҳар иккала адибнинг ўзига хос услуби борлигини кўрсатади. Шу боис айнан бир мавзуда натижанинг ҳар хил бўлишига ҳайрон қолиш керак эмас.

Тўртинчидан, Навоий достонининг охирида келтирилган муножот ва ҳикоятлар Аттор достонида мавжуд эмас. Бу ўринда олим барча ҳиқоятлар мазмунидан қисқача хабардор қилади.

Кузатганимиздек, Навоий ва Аттор ижодий мероси Е.Э.Бертельснинг қиёсий таҳлилида бутун мураккабликлари билан намоён бўлади. Олим таъкидлаганидек, шунча фарқлар бўла туриб, Навоий асарини Аттор асарининг таржимаси, дейиш тўғри эмас. Бу асарга жиддий ёндашилмагандан келиб чиққан. Е.Э.Бертельс мазкур хусусиятларни инобатга олиб, Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарини «Аттор достони ҳақидаги достон» *(Поэма о поэме Аттара)* деб номлайди.

Мақола бошида Е.Э.Бертельс Навоийнинг асар ёзилиш сабаби баён этилган байтларини келтирган ва шоирнинг асл мақсади Аттор асарини таржима қилишдан иборат бўлганини ёзган эди. Мақоланинг хулоса қисмида эса шоир олдига қўйган мақсад моҳияти бутунлай ўзгаргани, натижада оригинал бебаҳо бир асар юзага келганини эътироф қилади. Дарҳақиқат, Навоий:

Ким бу дафтарга бериб тавфиқ Ҳақ,
Таржума расми била ёзсам варақ.
Мундин ортуқроқ ҳад эрмастур манга,
Жудини васф айласам басдур манга [Бертельс Е.Э. 1965: 380], – деб ёзишига қарамай оригинал бир асарни юзага келтирган.

«*Лисон ут-тайр»ни кузатиш,* – деб ёзади олим мақола сўнгида*, – берилган материалдан оригинал асар ярата олган улкан санъаткор, сўз устасини намоён қилди, асар баробарида биз кенг билимга, турфа қизиқишларга, бой ҳаётий тажрибага эга, ҳаммасидан қимматлиси, атрофдаги одамларга меҳр тўла муҳаббат билан қараган ва бу муҳаббат боис нуқсонларни кечиришга тайёр улкан қалб эгасини кўрамиз. Санъаткорлар борки, улар олдида таъзим қиламиз, лекин баъзида инсон санъаткорни изидан эргаштиради, асарлари билан биздан оддий инсоний муҳаббат талаб қилади. Навоий ана шундай улуғ зотдир»* [Бертельс Е.Э. 1965: 420].

Рус шарқшунослигида олимнинг «Лисон ут-тайр» борасидаги қарашлари А.Н.Малехова тадқиқотларида муваффақият билан давом эттирилган [Малехова А.Н. 1978: 26].

Микрокомпаративистика нуқтаи назаридан Е.Э.Бертельс (1890-1957) ва А.Н.Малехова (1938-2009) бир макон, ҳар хил замонда яшаб ижод этган олимлардир. Уларнинг айнан бир асар бўйича илмий изланишлари қиёсан ўрганишни, фикрлар тадрижи ва такомилини кўрсатишни, қолаверса, фарқ ва умумийликни аниқлашни тақозо қилди. Ҳар иккала шарқшуноснинг илмий қарашларини қиёсан ўрганиш асосида шундай хулосаларга келинди:

1. Е.Э.Бертельс (1928) ва А.Н.Малехова (1978) тадқиқотларида герменевтик таълимот мувозанати бузилмаган, матн моҳияти ўткинчи ғоя ва мафкуравий манфаатлар учун қурбон қилинмаган. Е.Э.Бертельснинг 40-йиллардаги тадқиқотлари ҳақида бундай дейиш қийин, чунки қатағон сиёсати олимни давр мафкураси билан ҳисоблашишга мажбур қилган; ҳар иккала шарқшуноснинг асар сюжети, Навоийнинг тасаввуфга алоқаси, Фоний тахаллусини танлаш сабаби, Шарқ назиранавислиги хусусидаги фикрлари деярли ҳамоҳанг. Масалан, Навоий ва тасаввуф масаласида Е.Э.Бертельс шоирнинг тасаввуф таълимотини чуқур билгани, аммо сўфий амалиётчи бўлмаганини қайд қилади. (*«Он воспринял всю моральную сторону суфизма, поставил ввиде идеала его конечные цели, …. но суфием практиком он не стал»)* [Бертельс Е.Э. 1965: 419]. А.Н.Малехова ҳам тасаввуф шоир учун мақсад эмас, восита бўлганини таъкидлайди. *(Суфизм как философия был основной частью его образованности, для Навоий суфизм не цель, а средство, т.е. система знаний, призванная служить*

познанию, осмыслению действительности) [Малехова А.Н. 2007: 267−329].

2. Е.Э.Бертельс масалага тарихий-биографик, А.Н.Малехова структур-систематик жиҳатдан ёндашади. Олим ҳикоятлар моҳиятини сиёсий, ижтимоий-маданий контекстда, майда унсурларигача таҳлил қилади, А.Н.Малехова эса асосий эътиборини асарнинг ички композицияси, муаллиф шахсияти, ҳикоятлар типологияси тадқиқига қаратади.

3. Ҳар иккала тадқиқот моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Қарашлардаги эволюция «Лисон ут-тайр» достонини турли аспектда ўрганиш мумкинлиги ва давомийлигини кўрсатади.

Е.Э.Бертельснинг навбатдаги тадқиқоти Навоий ижодини Шарқ адабиёти контекстида ўрганишга қаратилган [Бертельс Е.Э. 1965: 54]. Киришда олим туркий адабиётнинг ҳали-ҳануз етарлича ўрганилмагани, туркологларнинг диққати асосан туркий тилларни ўрганишга қаратилганини афсус билан қайд қилади. Кейин туркий халқларнинг, туркий тилнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичларига қисқача изоҳ беради: мўғуллар истилосига қадар форсий тилнинг мавқеи баланд бўлгани, ўз она тилидан фойдаланиш фақат дарвешлар даврасидагина (ҳаммага тушунарли бўлиши учун) амалга оширилгани ҳақида ёзади.

XV асрга келиб туркий тилда ҳам асарлар битиш ривожланади. Аммо туркий тилнинг мавқеини кўтариш учун китобхонга форсий тилда ёзилган намуналардан кам бўлмаган асарларни ҳавола қилиш керак эди. Бунда ўз она тилига муҳаббат камлик қилади. Муаллиф назарида, бунинг учун катта адабий иқтидор, тинимсиз илмий-ижодий изланиш керак бўлган. Алишер Навоий бундай қийин вазифанинг уддасидан чиқа олди. «Муҳокамат ул-луғатайн» асари билан туркий тилнинг ҳеч бир тилдан кам эмаслигини илмий асослаб берди, туркий тилда оригинал асарлар яратди.

Шундан кейин Е.Э.Бертельс Шарқда **назира** ёзиш анъанавий тус олганлиги, назира бирор-бир асарга жавобан ёзилган асар эканлигини қайд қилади. Китобхон назира асосида ёзилган асарни ўқиганда кўпроқ олдин маълум сюжетнинг бу асарда қай даражада акс этгани, қандай ўзгаришлар киритилгани билан қизиққан. Олим тўғри таъкидлаганидек, Европа адабиётида назира ёзишни тақлидчилик деб тушунтирганлар. Бундай қараш Шарқ адабиётининг специфик хусусиятларини англамасликдан келиб чиққан.

Е.Э.Бертельс Навоийнинг барча достонлари назира усулида битилгани, айнан шу усулда шоир туркий тилнинг оригиналлигини исбот қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, Навоий назира битмай тамоман янги асар ҳам яратишга қодир эди. Буни яхши англамаган, тўғрироғи, Навоий асарлари билан тўла танишмаган европалик мутахассислар Навоий ва Низомийдаги бир хил мавзуларни кўриб, Навоий таржимон деган хулосага келганлар. М.Имомназаров тўғри таъкидлаганидек, Навоийнинг асл мақсади «таржимонлик» эмас, шу сабабли у татаббуъ анъаналаридан фойдаланган [Имомназаров М.1998: 208].

Е.Э.Бертельс Навоий достонларининг ўзига хослигини «Сабъаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини Низомий достонлари билан қиёсий таҳлили мисолида очиб беради. Олим даставвал **«Сабъаи сайёр»** ва **«Ҳафт пайкар»** достонларини таққослайди ва қуйидаги фарқларни аниқлайди:

Низомийда Баҳромнинг Фитнадан хафа бўлиш эпизоди билан 7 та қасрнинг қурилиш эпизоди ўзаро боғланмаган. Навоийда эса Баҳромнинг Дилором билан арази ва тасалли олиш мақсади қасрларнинг қурилишига сабаб бўлади.

Низомийда ривоятларни 7 та қасрдаги 7 та гўзал ҳикоя қилади. Шоирнинг қаҳрамони кундузлари ичкиликбозлик билан шуғулланади, кечаси эса ухлаш учун гўзалларга ҳикоя айтишни буюради. Навоийда эса Баҳромга ҳикоятларни ҳар куни ташқаридан тутиб келтирилган мусофирлар айтиб беради. Е.Э.Бертельс бу ўзгариш Навоий томонидан онгли равишда киритилганини қайд қилади ва асар муқаддимасида мавжуд Навоийнинг: «*эртак ухлаш учун айтилади, гўзаллар эса бунинг учун яратилмаган*» мазмунидаги танқидий фикрини келтиради [Бертельс Е.Э. 1965: 437].

Навоий ва Низомий достонларидаги ҳикоятлар буткул бир-биридан фарқ қилади. Низомий Баҳром ва Фитнанинг аразлаш эпизодидан кейин Фитнани умуман эслатмайди. Баҳромга айтилган ҳикоятлар воқеа ривожида ҳеч қандай роль ўйнамайди. Навоийда эса еттинчи мусофирнинг ҳикоятидан кейин Дилором топилади ва Баҳром ўз қайғули ҳаётидан қутулади.

Е.Э.Бертельс Навоий ҳикоятларини Ўрта Осиё фольклори билан боғлайди. Бу фольклор

элементларига ҳам Навоий ўз шахсий «нота»сини киритишга муваффақ бўлган, бунда шоирнинг ноёб бадиий тафаккури асосий роль ўйнаган. Олим шу ўринда иккинчи иқлимдан келган мусофирнинг сариқ қасрда айтган хаёлий-фантастик ҳикоясини келтиради. Унга кўра шоҳнинг сеҳрли, ўзиюрар ва бошқариладиган тахти бор. Тахтга бир қанча зинапоялар олиб боради. Биринчи зинага қадам қўйиш билан бир зумда шоҳ ёнида бўлиш мумкин. Бу тахтни олим автомобильнинг экскалатор билан ўзига хос комбинацияси («трон самокат») деб атайди. Адабиётшунос С.Ҳасановнинг фикрича, «Сабъаи сайёр»нинг ҳаётийлигини ошириш мақсадида, юқоридаги каби турли афсонавий ва ғайритабиий воқеаларга кам ўрин берилган, сеҳрли воқеа ва ҳодисалар ҳам иложи борича кам ишлатилган, [Ҳасанов С. 1991:189].

Навоий достон композициясини қайта қуришга, энг асосийси, қаҳрамон характерини ўзгартиришга муваффақ бўлган. Бу ўринда олим Баҳром образининг асрлар оша эволюциясини кўрсатади: **Фирдавсийдаги** Баҳром – ғазаби бир лаҳзада дунёни остин-устун қилишга қодир космик куч, **Низомийда** у ишқи барқарор бўлмаган ошиқ, **Навоийда** эса у ҳеч ким ва ҳеч нарса эсдан чиқартиришга қодир бўлмаган ягона муҳаббат эгаси. Шундай қилиб, бора-бора Баҳром ҳаётийроқ образга айланган, Навоий уни зулмкор шоҳдан инсоний муносабатларни қадрловчи шахсга айлантирган. *«Бу таҳлилдан кейин,* – деб ёзади олим, – *ким «Сабъаи сайёр» достонини «Ҳафт пайкар»нинг таржимаси дейишга жазм қилади?* [Бертельс Е.Э. 1965: 438].

Е.Э.Бертельсдан кейин «Сабъаи сайёр» достони бўйича аҳамиятга молик бир қанча тадқиқотлар ёзилган. Жумладан, Ғ.Каримов, М.Салье, В.Зоҳидов, И.Султонов, А.Қаюмов, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, Н.Ғанихўжаева, Ё.Исҳоқов каби олимлар асарнинг қиёсий таҳлилига доир қимматли фикрларни билдирганлар. Бу борада С.Ҳасановнинг махсус монографияси ҳам мавжуд бўлиб, унда достон Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва қисман Ашраф Мароғавий баҳромномалари билан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилган, ўрни билан Е.Э.Бертельснинг фикрларига ҳам муносабат билдирилган [Ҳасанов С. 1991:189].

«Фарҳод ва Ширин» достони билан Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини қиёсан ўрганган Е.Э.Бертельс шундай хулосаларга келади:

Биринчидан, Низомийда Хусрав, Навоийда Фарҳод асосий қаҳрамон вазифасини ўтайди. Фарҳод Низомийга Ширинга бўлган муҳаббат кучини кўрсатиш учунгина керак бўлган. Навоий эса бошиданоқ Фарҳодга диққатини қаратади. Бунинг устига, шоирнинг қаҳрамони Низомийдагидек оддий уста эмас, балки инсоний фазилатларга бой шаҳзода.

Иккинчидан, Навоий Хусрав образи моҳиятини бутунлай ўзгартирган. Шоирнинг Хусрави золим, жоҳил, ўз мақсадига фақат алдов ва хиёнат йўли билан эришувчи шахс.

Учинчидан, Низомийда Ширин барча камчиликлардан холи идеал маъшуқа. Хусрав унингсиз ҳеч ким. Навоийда эса у оддий инсоний муносабатларга тўла малика. Фарҳод ҳеч кимга, ҳатто Ширинга ҳам қарам бўлмаган жамиятнинг фаол аъзоси. Е.Э.Бертельснинг қайд қилишича, Навоийда Ширинниинг Низомийдагидек идеаллаштирмагани достон сюжетига путур етказмаган.

Тўртинчидан, достон сюжетининг бошланишида ҳам талайгина фарқлар бор. Низомий ўз достонини ҳар қандай фантастик лавҳалардан холи равишда, қаҳрамонларнинг суратларни кўриб ошиқ бўлиш мотиви билан бошлаган бўлса, Навоий бу эпизодни бир қанча эртакли мотивлар билан *(Аҳриманнинг ўлдирилиши, хазинанинг қўлга киритилиши, Суқрот тоғи тилсимининг очилиши ва ҳ.к.)* бойитади ва кенгайтиради. Бу қисм олим назарида Навоийнинг юксак бадиий маҳоратини кўрсата олган.

Мақола сўнгида **«Лайли ва Мажнун»** достонининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Олим Навоийнинг достон муқаддимасида ёзган қуйидаги камтарона байтини келтиради:

Ёзмоқда бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмуниға бўлди руҳ майли,
Афсона эди онинг туфайли
[Бертельс Е.Э.1965: 439].

Е.Э.Бертельс Навоий ўзига ниҳоятда камтарлик билан баҳо берса-да, бу достон-

да ҳам индивидуал поэтик тафаккурини намоён қила олганини таъкидлайди. Низомий достонда ишқнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини кўрсатишни мақсад қилган. Унинг Мажнуни ишқий кечинмалар оламига шундай шўнғиб кетадики, натижада унда реал Лайлига эҳтиёж қолмайди. Улар энди бир жузвнинг икки томони. Навоийда бу психологик этюд нисбатан чекинади. Унинг мақсади ота-онанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги қандай оилавий фожиаларга олиб келишини кўрсатишдан иборат. Ўз қаҳрамонлари тақдирида шоир ижтимоий тузумнинг нуқсонларини кўтариб чиқади. Бунинг учун Навоий достон сюжетига ўта психологик нозиклик билан китобхонни қизиқтирадиган бир қанча ҳаққоний эпизодларни киритади. Е.Э.Бертельснинг мазкур масала батафсил ёритилган алоҳида «Лайли ва Мажнун» мақоласи [Бертельс Е.Э. 1965: 417−431] мавжуд бўлганлиги боис, бу ўринда қисқа изоҳлар билан чегараланади.

Хулосада олим кейинги пайтларда «Хусрав ва Ширин» рус тилига таржима қилинган бўлса, «Фарҳод ва Ширин»ни таржима қилишга нима ҳожат, қабилидаги саволларга унинг мақоласи жавоб бўла олишини алоҳида таъкидлайди ва «Хусрав ва Ширин»ни ўқиган рус китобхони, Навоий достонини ҳам завқу шавқ билан қизиқиб ўқишига ишонч билдиради.

Е.Э.Бертельснинг қиёсий-тарихий йўналишдаги тадқиқотларидан яна бири юқорида эслатилган **«Лайли ва Мажнун»** мақоласидир. Мақола илк бор 1940 йилда Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан тайёрланган илмий тўпламда нашр қилинган [Родоначальник узбекской литературы. 1940: 30−50], кейинчалик танланган асарлар таркибига киритилган [Бертельс Е.Э. 1965: 417–432].

Мақола бошида достоннинг яралиш тарихи, генезиси, тарқалиш диапазони, ундаги асосий эпизодлар, Навоийдан бошқа яна кимлар бу мавзуда ижод қилгани ҳақида кенг маълумот берилади. Кейинги босқичда Низомий, Амир Хусрав Деҳлавий, Навоийнинг достонлари алоҳида-алоҳида қиёсий усулда ёритилади.

Олим **Низомий** достонни ёзишга иштиёқ билан киришмагани, чунки у «Лайли ва Мажнун» мавзусини дабдабали ифодага йўл қўймайдиган зерикарли мавзу деб билганини маълум қилади. Достон ширвоншоҳ Ахсатан ибн Манучеҳрга бағишланган ва психологик-тасаввуфий этюдлардан иборат, тили мажозий, мураккаб.

Е.Э.Бертельс Низомий достонининг қисқача сюжети билан таништиради. Ундан қуйидаги муҳим эпизодларни ажратиш мумкин: отанинг илтижоси, Қайснинг туғилиши; мактабдаги учрашув – Қайс ва Лайли ишқий кечинмаларининг бошланиши; омадсиз совчилик эпизоди; Мажнуннинг Маккага йўл олиши, қайтишда қочиб кетиши; Навфалнинг Лайли қабиласи устидан ғалабаси, аммо Қайснинг илтимосига кўра чекиниши; Лайлининг унаштирилиши, Ибн Саломнинг вафоти; Мажнуннинг тоғу тошларда девонавор юриши, ишқий кульминация; Лайли ва Мажнун фожиаси.

Низомий унча иштиёқ билан киришмаган достон тез орада кенг тарқалади ва унга назира ёзишга уринишлар бошланади. Сарой шоири **Амир Хусрав Деҳлавий** достонни ёзишга Низомийдан салкам 100 йилдан кейин киришган. Бу достоннинг Е.Э.Бертельс интерпретациясидаги сюжетидан қуйидаги асосий лавҳалар кузатилади: Қайснинг ишқий кечинмалари ҳақида мунажжим башорати; мактабдаги учрашув – ишқий кечинмалар ибтидоси; Лайли онасининг сирдан воқиф бўлиши, отасига айтиши, уй қамали; совчилик ва рад эпизоди; Навфал ғалабаси ва чекиниши; Мажнуннинг Навфал қизига уйланиши, никоҳ кечаси қочиб кетиши; Лайли ташаббуси билан хат олишув, кимсасиз саҳродаги учрашув; Лайли ва Мажнун фожиаси.

Юқоридаги сюжет чизиқларидан Деҳлавий достонининг ўзига хослигини ажратиб олиш мумкин.

Биринчидан, достонга Мажнуннинг ҳажга бориш лавҳаси киритилмаган. **Иккинчидан**, ота ноласи – мунажжим башорати билан алмашинган, бу бошиданоқ Қайсни ўз тақдирининг қулига айлантирган. Деҳлавийнинг Мажнуни лоқайд позициядаги образ, шунинг учун ҳам у Навфал қизига уйланади ва аҳмоқона қочиб кетади. **Учинчидан**, Лайлининг ташаббуси билан саҳродаги учрашувнинг ташкил қилиниш эпизодини Е.Э.Бертельс муваффақиятсиз чиққан лавҳа деб ҳисоблайди. Чунки бу учрашув асар умумий концепциясига путур етказган. Бундай ҳолатда кейинги фожиаларнинг психологик ва фалсафий моҳияти ўз маъносини йўқотади. Олимнинг фикрича, Деҳлавий Низомийнинг чуқур фалсафасини англамаган, асарга янгилик киритишни мақсад қилган адиб, аксинча, бу билан достон концепциясининг бир бутунлигига, умумий руҳига зарба берган.

Тўртинчидан, достон тили содда ва ихчам, сарой савиясига мос, лекин Низомийдагидек ёрқин таассурот қолдиролмайди. Шундай бўлса-да, сарой муҳитида Низомийдан кўра Деҳлавий кўпроқ шуҳрат қозонган.

Маълумки, Навоий ҳар иккала асардан хабардор бўлган ҳолда «Лайли ва Мажнун» достонини ёзишга киришади. Буни асар муқаддимасидан ҳам билиб олиш мумкин. Муаллиф баъзи эпизодлар тасвирида Низомийга, баъзиларида Деҳлавийга суянган. Е.Э.Бертельс, аввало, Навоийнинг Низомий ва Деҳлавийга муносабати ёритилган байтларини келтириб таҳлил қилади: буюк мутафаккир Низомийни Деҳлавийга қараганда юқори баҳолаганини қайд этади. Шунингдек, асарнинг яралиши билан боғлиқ мисраларни келтиради.

Ё ҳинд нажоди ҳиндувий зод,
Ким қасрларни қилди обод.
Ҳам қалъа учун керакдур шаҳр,
Ҳам қасрга боғу сабзадин баҳр.
Бўлса манга фурсат ул қадар чоғ,
Ким шаҳр ила тарҳ солибон боғ [Бертельс Е.Э. 1965: 426].

Тўғри таъкидланганидек, Навоий шарқона камтарлик билан Низомий қурган қаср ёнида кичкина «бир шаҳар» ва «боғ» барпо этишни мақсад қилган. Аслида қандай бўлганини эса қуйидаги мулоҳазалардан билиб олиш мумкин.

Е.Э.Бертельс юқоридаги достонларга нисбатан Навоий достонидаги мазмун-моҳиятни кенгроқ тасвирлайди. Фикримизча, олим бу билан Навоий ижодининг индивидуал хусусиятларини яққол кўрсатишни мақсад қилган. Е.Э.Бертельс келтирган сюжетдан қуйидаги асосий лавҳаларни ажратиб олиш мумкин: **отанинг** ноласи, Қайснинг дунёга келиши; **мактабда** Лайлининг соғайиши шарафига отасининг базм уюштириши; **Қайснинг** базмда Лайлини кўриши ва ғайритабиий ҳолатга тушиши. *Шу ўринда Е.Э.Бертельс Навоий бу жараённи қуйидаги қизиқарли реалистик деталларда намоён қила олганлигини алоҳида таъкидлайди. Қайс Лайлини кўриб ажиб бир ҳолатга тушади, айни базмда ўзини четга олиб яширинади. Лайли бехосдан уни топади, нега ғамгинлигини сўрайди, аммо ўзининг бунга алоқадорлигига шубҳа ҳам қилмайди;* **муваффақиятсиз** совчилик эпизоди; **Навфалнинг** Лайли қабиласига юриши, ғалабаси ва чекиниши. *(Навоий достонида Лайлининг отаси унинг айтганини қилмаса ўлдириши мумкинлигини Мажнун туши орқали билиб олади, яъни юраги сезади ва Навфалдан чекинишни сўрайди;* **Лайлининг** унаштирилиши, куёвнинг вафоти; **Мажнуннинг** Маккага кетиши ва қайтишда қочиб кетиши; **тоғу тошлардаги** дарбадарлик, ёр итига ошнолик мотиви. *Бу ўринда олим европа китобхонига «итга ошнолик» бир оз ғалати туюлиши мумкинлигини, лекин XV аср Ўрта Осиё лирикаси учун бу анъанавий ҳол эканлигини эслатиб ўтади.* **Мажнуннинг қайтиши в**а Навфал қизига унаштирилиши. Бу эпизод Деҳлавий асарида ҳам мавжуд, унда Мажнун Лайли тўйидан олдин, Навоий достонида эса кейин унаштирилади. Навоий достонида Навфал қизининг ўз севган ёри бўлади. Бундан хабар топган Мажнун тўйга рози бўлмайди ва икки ёшга улар кутган висол бахтини туҳфа қилади. Деҳлавийда эса бу эпизод Мажнуннинг никоҳ кечаси нотўғри йўл тутиб, қочиб кетиши билан тугайди; **Лайлининг уйдан чиқиб кетиши** ва тасодифан Мажнунни учратиши. Бу ўринда Е.Э.Бертельс диққатимизни тасодифан деган сўзга қаратади. Деҳлавийда бу лавҳа Лайли томонидан махсус уюштирилган бўлса, Навоийда Лайлининг маънавий қиёфасига, шарқона одобига зарар етказмаган ҳолда тасодифан содир бўлади.

Е.Э.Бертельс ҳар иккала адибдаги Лайли ва Мажнунни учраштириш эпизодини Низомий концепциясидан узоқлашиш деб баҳолайди, бу лавҳа Мажнун ишқининг «номоддий» характерини сусайтирганлигини таъкидлайди. Юқорида айтилганидек, Низомий ишқнинг илоҳий кучини кўрсатишни мақсад қилади. Шунинг учун унинг Мажнунига жисмоний Лайли керак эмас, унинг ўзи Лайли. Е.Э.Бертельснинг фикрича, Навоийда бу психологик этюд нисбатан чекинади, унинг мақсади достонни реал ҳаётга яқинлаштиришдан, ота-онанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги қандай оилавий фожиаларга олиб келишини кўрсатишдан иборат; **Лайли ва Мажнун** фожиаси. Бу лавҳа Навоийнинг салафларида тасвирланган ифода тарзидан бир оз фарқ қилади. Низомий ва Деҳлавийда Мажнун Лайли вафотини эшитгач, унинг қабри томон шодланиб, ғазаллар ўқиб ошиқади, чунки ниҳоят у кутган лаҳзалар етиб келади. Навоийда эса Мажнун Лайлини охирги манзилга узатаётган одамлар даврасига ҳаёт билан ҳар қандай алоқасини узган, давр одамлари туфайли жабр

чеккан, тирик мурдага айланган, инсоният зулмидан қаттиқ норози бир қиёфада кириб келади.

Е.Э.Бертельс ҳар учала адиб достонидаги асосий эпизодларни таҳлил қилиш асосида шундай хулосаларга келади.

1. Навоий ниҳоятда камтарлик билан айтган, қаср ёнида кичкина «бир шаҳар» ва «боғ» барпо этиш фикри билан келишиш қийин, чунки таҳлилимиз унинг Низомий «қасри»дан ҳеч ҳам кам бўлмаган «қаср» барпо этганини кўрсатди;

2. Низомий достонини яратишда сўфийлик концепциясига таянади, Навоий эса фақат ҳаққоний лавҳалардагина даврнинг инсон эрки, никоҳ каби долзарб муаммоларини кўтариб чиқиш ва китобхонни ишонтириш мумкин деб ҳисоблайди; Бошқача айтганда, «...Навоий аввал бошданоқ инсон маънавиятига, инсониятнинг камолот сари интилиши муаммоларига айрича аҳамият беради» [Имомназаров М.1998: 210].

3. Европа шарқшунослари Навоийнинг барча достонларини таржима деб ҳисоблаганлар ва уларни ўрганишга ҳожат йўқ деб билганлар. Шунинг учун ҳам ғарб навоийшунослигидаги тадқиқотлар Навоий қўлёзмаларига берилган умумий тавсифлар билан чегаралланган. Бундай ёндашув Шарқ адабий жараёнини тўла англамасликдан, энг ёмони «англашни хоҳламасликдан» келиб чиққан.

Мақола сўнгида Е.Э.Бертельс «Лайли ва Мажнун» достони алоҳида қимматга эга эканлиги, Навоийнинг юрагида доим ёниб турган, уни мудом адабий ва ижтимоий фаолиятга йўналтирувчи, инсонга бўлган бениҳоя муҳаббати бу достонида, айниқса, ёрқин намоён бўлганлигини қайд қилади.

Е.Э.Бертельснинг компаративистик йўналишдаги навбатдаги тадқиқотида Искандар образининг Шарқ ва Ғарб адабиётида акс этиш даражаси ўрганилган [Бертельс Е.Э. 1965: 283−368].

Бу тадқиқот олимнинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича қиёсий йўналишдаги монографияларидан биридир. Тадқиқот кириш ва икки асосий қисмдан (*Навоийгача бўлган Искандар ҳақидаги достонлари, Навоийнинг «Садди Искандарий» достони*) иборат.

Киришда муаллиф Ғарб ва Шарқ адабиётидаги Искандар образининг характерли хусусиятлари, ўзигача бу мавзунинг ёритилиши ҳақида тўхталади. Ғарбда бу образ рицарлик, Шарқда Арасту билан боғлиқликда тасвирланиши, **Искандар–Арасту концепцияси** давлат бошқаруви ва ҳарбий сиёсатни фалсафанинг онтологик, гносеологик, эстетик асослари билан боғлашга ёрдам берганини қайд қилади. Олимнинг аниқлашича, эрамизнинг VI асрига келиб идеал Искандар образини яратиш анъанаси кучаяди. Афсонавий ҳукмдор ҳақидаги Шарқ романлари фақат бадиий асар бўлмай, давр сиёсий донолигининг ўзига хос дидактикасига айланади.

Искандар ҳақидаги Шарқ достонлари орасида Навоийнинг «Садди Искандарий» достони алоҳида қиммат касб этади. Олим бу ўринда Навоий нафақат сўз устаси, балки кўзга кўринган давлат арбоби ҳам бўлгани, унинг мазкур достонини ўқиш, темурийлар давридаги давлат бошқарувининг характерли хусусиятларини очиб бериши, шу жиҳатдан унинг ҳам тарихий, ҳам филологик аҳамиятга эга эканини таъкидлайди.

Е.Э.Бертельс мазкур достонни ўрганишга икки муҳим сабаб билан киришади:

Биринчидан, олим бу борада етарлича тажрибага эга бўлган, Низомийнинг барча достонлари илмий-танқидий матнига муҳаррирлик қилган, жумладан, «Искандарнома»ни ҳам атрофлича ўрганган.

Иккинчидан, олимда Навоий яратган Искандар образининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш истаги бўлган.

Е.Э.Бертельс тадқиқоти жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилган: ҳар хил тарихий даврдаги Искандар образи эволюциясини кузатиш; бу мавзуда Навоийгача ёзилган достонларнинг умумий обзорини бериш; Навоий достонининг характерли хусусиятларини аниқлаш.

Албатта, бу вазифаларни уддалаш олим учун осон кечмаган. Бунинг учун бир қанча қўлёзма манбаларни ўрганиш, матншунослик йўналишида қиёсий иш олиб боришга тўғри келган. Анча йиллик текстологик изланишлар, сюжет чизиқлари, композиция, образлар силсиласи ва семантикасини чуқур ўрганиш асосида Е.Э.Бертельс достон ҳақида қуйидаги **хулосаларга** келади:

1. Е.Э.Бертельснинг фикрича, Навоий бу достонини ёзиш орқали, аввало, китобхонни

маънавий юксалтиришни мақсад қилган ва идеал шоҳ образини яратган. Аммо, навоийшунос А.Қаюмов тўғри таъкидлаганидек, «Навоийдек буюк ижодкор сунъийликка йўл қўйиши мумкин эмас эди. У ҳар бир воқеа, характер заминида ётган қарама-қаршиликларни яхши тушунар эди. Шунинг учун у идеал қаҳрамон образини яратиш вазифасини ўз олдига қўйиши мумкин ҳам эмас эди» [Қаюмов А. 1975: 49].

Олима Ф.Сулаймонова бу фикрни қувватлаб, Навоий яратган Искандар Македония подшоси эмас, балки XV асрда яшаши мумкин бўлган, шоир орзу қилган, салбий хусусиятлардан холи бўлмаган феодал подшоси, деган хулосага келади [Сулаймонова Ф. 1997: 157].

2. Шоирнинг Искандари авлиё ёки пайғамбар эмас, аксинча, ҳар қандай шоҳ эриша оладиган ибратли ҳукмдор. Бу хулосага ҳам эътироз билдириш мумкин, ҳукмдорнинг туб манфаатлари ибратли бўлишга йўл қўймайди. «Чунки ҳукмроннинг барча фаолияти ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган. Якка ҳукмронлик билан умумхалқ манфаатлари ўртасида умумийлик бўлиши мумкин эмас» [Қаюмов А. 1975: 49].

3. Навоий Искандар фаолиятини кўпроқ ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, сиёсий томонларига боғлаб кўрсатган. Бу жиҳатдан достон XV аср Ўрта Осиё маданий ўтмиши ҳақида ноёб маълумотларни беради.

4. Достон максимал даражада ҳаётга яқинлаштирилган. Низомийда Искандарнинг вафоти чуқур фожиавий тонда тасвирланади, Навоийда бу – худди хазон келиб, япроқлар тушган каби табиий, оддий. *Низомий ларзага солса, Навоий тасалли беради, қалбларни умид билан тўлдиради.* Бу хулосага сабаб бўлган генезисни яна А.Қаюмовнинг тадқиқотидан топиш мумкин: «Достондаги воқеалар шоирнинг субъектив мўлжали, хоҳиши асосида эмас воқеаларнинг қонуний ривожи заминида содир бўлади”.

5. Навоий достонининг тили унинг «Хамса»сига кирувчи бошқа достонлари тилига қараганда ҳам содда, ҳам ҳар қандай мураккаб ифодалардан холи, оддий. Бу билан асарнинг бадиий қимматига путур етмаган, аксинча, унинг ўқишлилиги кучайган. Адибнинг мақсади ҳам аслида асарни ҳаммабоп қилиш, фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, достон ғояларини ҳукмдорларга мумкин қадар тезроқ етказиш бўлган.

6. *«Ишимизнинг охирги қисмид*а, – деб ёзади Е.Э.Бертельс, – *Навоий достонининг бадиий хусусиятларини таҳлил қилишни мақсад қилган эдик. Аммо асарнинг илмий-танқидий матни – таянч асос йўқлиги боис бу ниятимизни амалга ошира олмадик»* [Бертельс Е.Э. 1965: 415].

7. Достон бадиий хусусиятлари билан бирга педагогик аҳамиятга ҳам эга. Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда унинг ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун юқори синф дарсликларига тарихий ва стилистик шарҳ билан достондан айрим парчаларни киритиш керак.

Монография сўнгида Е.Э.Бертельс қандай қийинчиликлар бўлишига қарамай, Навоий достонининг академик нашрини мумкин қадар тезроқ тайёрлаш туркологларнинг муқаддас бурчи эканини қайд қилади.

Е.Э.Бертельсдан кейин «Садди Искандарий» достони бўйича бир қанча илмий ишлар амалга оширилди [Гафуров Б.Г., Цибукидес Д.И. 1980: 456; Сулаймонова Ф. 1997: 414; Қаюмов А. 1975: 194]. Булар орасида А.Қаюмовнинг «Садди Искандарий» монографияси чуқур таҳлилга бойлиги, холис фикрларнинг баён этилиши билан алоҳида қиммат касб этади. Е.Э.Бертельс талқинидаги эътирозли нуқталар олимнинг фикрларида равшанлашган, асосланган ва ўз қиёмига етган [Қаюмов А. 1975: 194].

Адабиётшунос М.Ҳамидова матншунослик амалиётида биринчи марта достоннинг олти қадимий нусхаси ва П.Шамсиев тайёрлаган матн асосида асарнинг мукаммал илмий-танқидий матнини тузишга муваффақ бўлди.

Хуллас, қиёсий йўналишдаги илмий тадқиқотларини таҳлил қилиш асосида Е.Э.Бертельснинг тадқиқотчилик маҳоратини белгиловчи қуйидаги жиҳатлар аниқланди:

1. Е.Э.Бертельснинг компаративистик йўналишдаги илмий меросида комплекс филологик таҳлил, яъни *асар жанрини белгилаш, матн қурилишини тавсифлаш, асар умумий руҳининг макон ва замонга алоқадорлиги, образлар системаси ва семантикасини аниқлаш, асарнинг жаҳоний даражасини қиёсий йўсинда белгилаш, матннинг эстетик аҳамиятини очиб бериш* каби жараёнлар амалга оширилган.

2. Олимнинг илмий тадқиқотларига эпистемологик жиҳатдан ёндашиш мумкин. Илмий матнга эпистемологик ёндашув матн мазмунини билим тарзида қабул қилишга изн беради. Бу жараён Е.Э.Бертельс илмий меросида тўртта босқичда намоён бўлади:

муаммоли вазиятни яратиш (кўпинча олим бундай вазиятни саволлар бериб яратади), **ечилиши керак** бўлган асосий муаммони ўртага ташлаш, **қўйилган масалага** жавобнинг дастлабки формулировкасини бериш, масаланинг ечимини топиш, исбот, хулоса.

3. Е.Э.Бертельснинг қиёсий–таҳлилий тадқиқотлари орқали:

Биринчидан, бир йўла бир неча асар ҳақида маълумот олиш мумкин (Масалан, Низомий, Деҳлавий, Навоий «Лайли ва Мажнун»и).

Иккинчидан, ХХ аср боши рус шарқшунослиги билан рақобатда бўлган Ғарб шарқшунослигининг ўзига хос жиҳатлари, олим таҳлилидаги адабиётлар билан танишилади.

Учинчидан, матн билан ишлашнинг ноёб усулларини ўрганамиз. Е.Э.Бертельснинг тадқиқотлари бизга адабиётшунос томонидан бадиий асарнинг адабий–бадиий ҳамда ҳаётий факт ва ҳодисалар билан боғлиқлиги қанчалик кенг ва тўла ҳисобга олинса, талқин ва таҳлилда шунчалик «ютиш» мумкинлигини кўрсатади.

4. Олим илмий асарларининг баён усули ва услубида ўзига хослик мавжуд. И.Ҳаққулов таъбири билан айтганда, Е.Э.Бертельс тадқиқотларида «зоҳиран оддий, содда кўринган фактлар бадиий тахайюл кўмаги ила умумлаштирилган, илм билан санъатнинг кучи бирлашган» [Ҳаққул И.Ч. 2008]. Биз кузатган манбаларга ҳам илмийлик, ҳам оммабоплик характери сингдирилган.

5. **Фикримизча, муаллифнинг илмий мероси маълум даражада** адабиётшуносликнинг истиқболини ҳам белгилашга ёрдам беради**.** Олим ўзи ечишга улгурмаган долзарб муаммоларни кўрсатиб ўтади ва кейинги изланувчиларга ҳавола қилади [Бертельс Е.Э. 1965: 284]. Масалан, олим муаллифи номаълум деб таҳлил қилган тасаввуфий мазмундаги таржеъбанд [Бертельс Е.Э. 1965: 469-474] муаллифи Маҳрамий эканлигини Л.Дмитриева тузган туркий қўлёзмалар тавсифи орқали аниқланди. «Мажолис ун-нафоис»ни кузатганимизда, Маҳрамий деган шоир Астрободда яшаб ижод қилгани, «толиби илм ва фақирваш йигит» бўлгани маълум бўлди [Алишер Навоий. 1966: 115].

Е.Э.Бертельс ёзиб қолдирган барча илмий мулоҳазаларни адабиётшунослик учун эталон (ўзгармас ҳақиқат) сифатида қабул қилиб бўлмайди. Масалан, олимнинг юқорида келтирилган «Лайли ва Мажнун» достони ҳақидаги *«Навоийнинг мақсади достонни реал ҳаётга яқинлаштиришдан, ота-онанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги қандай оилавий фожиаларга олиб келишини кўрсатишдан иборат бўлган»* каби хулосасига қўшилиш қийин. Рус адабиётшунослигидаги илмий- назарий тушунча ва хулосаларни ҳамма вақт ҳам туркий адабиёт намуналарига татбиқ қилиб бўлмайди. Бизнингча, матндаги асл моҳиятни миллий-диний қарашлардан ҳам келиб чиқиб талқин қилиш лозим. Матннинг ғоявий-бадиий таркибини теран мушоҳада этганимизда, сабаб ота-онанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги эмас, фарзанднинг диний шариат, ота-она олдидаги бурчи экани маълум бўлади.

Олимнинг «Садди Искандарий» достони ҳақидаги «*...достонда Низомий ёки Жомий достонидагидек тасаввуфий руҳни деярли сезмаймиз, асар максимал даражада ҳаётга яқинлаштирилган*», деган фикри ҳам баҳсталаб мавзу. Е.Э.Бертельснинг бу қараши бирёқламаликни келтириб чиқаради. Дейлик, Искандарнинг адолатидан қисқа фурсатда мамлакатнинг обод ва фаровон бўлиши, ҳақиқатдан йироқ эди.

Адабиётшуносликда бундай эътирозлар бўлишини олдиндан фаҳмлаган олимнинг ўзи туркий адабиёт «билимдони» бўлмаганлиги боис, замон туркологларидан шарқона одоб билан нуқсонларини тузатишни ва уларга илтифотли бўлишни, идеалдан узоқ бўлган ишдан кўра, ниятнинг ўзига баҳо беришни сўрайди [Бертельс Е.Э. 1965: 380]. **Давр тақозоси** кўра, Е.Э.Бертельс мафкуравий тазйиқлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлган, шунинг учун олим баъзан таҳлилда юзаки талқинларга йўл қўйган. А.Н.Самойлович, С.Л.Волин, А.Э.Шмидт ва қатағон қурбони бўлган бошқа олимларнинг [Люди и судьбы. Биобиблиографический словарь востоковедов. 2003: 496] аччиқ қисмати шундай қилишга ундаган.

Навоий асарларининг ўзбек олимлари томонидан ўрганилиш даражаси, **рус ва ўзбек адабиётшунослигидаги мавзуга дахлдор ишларни қиёсан ўрганиш** алоҳида тадқиқот объекти бўлгани учун, масалага алоҳида урғу берилмади, аммо ўрни билан муносабат билдирилди.

Умуман олганда, Е.Э.Бертельс тадқиқотларига илмий жиҳатдан холис баҳо бериш, унинг ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, навоийшунослик соҳасидаги меҳнатларини қадрлашни,

шу билан бирга, айрим ноаниқликлардан кўз юммасликни талаб қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Andras J.E. Bodrogligeti. A grammer of chagatay Lincom Europa. 2001.
2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Асарлар. XV жилдлик. XII жилд. – Т: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. − 215 б.
3. Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. − Т.: Ўзбекистон, 1991. − 223 с.
4. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. − М.: Наука, 1965. − 526 с.
5. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Наваи и Джами. – М.: Наука, 1965. − 499 с.
6. Гафуров Б.Г., Цибукидес Д.И. Александр Македонский и Восток. –М.: Наука, 1980. − 456 с.
7. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.: Шарқ, 1998. – 240 б.
8. Ишанходжаев Ш. «Лисан ат-тайр» Алишера Навои: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1966. − 30 с.

Люди и судьбы. Биобиблиографический словарь востоковедов − жертв политического террора в советский период (1917−1991). − СПб.: Петербургское Востоковедение, 2003. − 496 с.

9. Малехова А.Н. Поэма Алишера Навои Язык птиц // Алишер Навои. Язык птиц. − СПб.: Наука, 2007. − С. 267− 329.
10. Малехова А.Н. Поэма Алишера Навои «Лисан-ат-тайр» («Язык птиц»): поэтика композиционных и образных средств: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. − Т., 1978. − 26 с.
11. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. − 662 б.
12. Мир Али Шир // Сб. статей. – Л.: Изд АН, 1928. − 175 с.
13. Родоначальник узбекской литературы // Сб. статей. –Т.: Изд-во Узб. фи-лиала Академии наук, 1940. − 220 с.
14. Самойлович А.Н. Чигатайские туюги Лутфи // ДАН–В. − М., 1926, май-июнь. − С. 78–80.
15. Самойлович А.Н. К истории литературного среднеазиатско–турецкого языка // Сб. Мир Али Шир. − Л.: Изд. АН., 1928. − С.1–24.
16. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 414 с.
17. Қаюмов А. Садди Искандарий. − Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. − Т.:1975. − 194 б.
18. Ҳаққул И.Ч. Ижод иқлими.− Т.: Фан, 2009. − 388 б.
19. Ҳаққул И.Ч. Олимлик маъно излаш демак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008 йил, 30 май.
20. Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. – Т.: Ғафур Ғулом наш-риёти, 1991. − 190 б.
http://e-notabene.ru/fr/article_13993.html

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALINING AXBOROT XATI

Alisher Navoiy xalqaro jurnali Amerika qo‘shma shtatlarining Crossref.org tizimiga kiritiladi hamda har bir maqolaga doi raqami beriladi. Jurnalda quyidagi ruknlar bo‘yicha maqolalar chop etiladi:

- **NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI**
- **NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI**
- **TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O‘ZBEK ADABIYOTI**
- **BAHOSIZ BITIKLAR** (Navoiy asarlarining qo‘lyozmalari, Navoiy merosi va matnshunoslik masalalari uchun).
- **ASLIYAT UMMONI** (asosan, ingliz, fransuz, nemis, rus, xitoy, yapon, koreys, hind tillariga).
- **NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI** (Navoiy nasri va nazmiga doir tadqiqotlar uchun).
- **ILM, OLAM VA OLIM** (Navoiy ilmiy merosi va turli ilmlarga doir qarashlari uchun).
- **HAQIQAT SARI SAFAR** (Navoiyning falsafiy qarashlari).
- **MA’RIFAT YOG‘DUSI** (Navoiy va islom ma’rifati, Navoiyning diniy-ma’rifiy qarashlari, Navoiy va tasavvuf).
- **NAVOIY POETIKASI** (Fasohat, balog‘at, badiiyat, aruz va qofiya bilan bog‘liq masalalar).
- **TURKIY MUMTOZ ADABIYOT TADQIQI VA UNING BOSHQA ADABIYOTLAR BILAN QIYOSI**
- **NAVOIY VA ADABIY TA’SIR MASALALARI**
- **NAVOIY VA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI**

MAQOLALARGA QO‘YILADIGAN TALABLAR:

- maqola 10-15 sahifa hajmida taqdim etiladi;
- maqolalar **o‘zbek, turk, tojik, rus, ingliz, fransuz** tillarida qabul qilinadi;
- Maqolaning tarkibiy tuzilishi:

1. Maqola sarlavhasi.
2. Muallifning F.I.SH., lavozimi, ilmiy unvoni, ish (o‘qish) joylari, viloyat, respublika va electron pochta adresi to‘liq keltiriladi.
3. Annotatsiya (maqolaning qisqacha mazmun va maqsadi, 100-150 ta so‘zdan iborat bo‘lishi lozim) **o‘zbek, rus, ingliz** tillarida beriladi.
4. Tayanch so‘z va iboralar **o‘zbek, rus, ingliz** tillarida (7-10 so‘zdan iborat bo‘lishi kerak).
5. Kirish (Introduction)
6. Asosiy qism (Main part)
7. Natijalar va muhokama (Results and Discussions)
8. Xulosalar (Conclusions)
9. Adabiyotlar (References) – alifbo tartibida keltiriladi (15-20 ta adabiyot).

- maqola Times News Roman shriftida, 14 kattalikda, 1 intervalda tayyorlanadi;
- havola(snoskalar)lar katta qavsda muallif familiyasi – nashr sanasi – sahifasi [Mo‘minov 2020: 25] shaklida keltiriladi;
- maqola tomonlari chap: 3 sm, o‘ng: 1,5 sm, yuqori va quyi: 2 sm;
- maqolada keltirilgan ma’lumot va dalillarning ilmiy asoslanganligi, ishonchli va ko‘chirmachilik holatlari uchun muallif(lar) mas’uldir.
- Maqolalar ekspertiza qilinadi. Ekspertlar tomonidan **tavsiya etilgan maqolalargina jurnalda chop etiladi;**
- tavsiya etilmagan maqolalar chop etilmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
- jurnalning 1 ta sonida muallifning faqat 1 ta maqolasi chop etiladi.
- Maqola so‘ngida mualliflar(lar) telefon raqamini kirirtishlari shart.

MUROJAAT UCHUN MANZIL:

Toshkent shahri Amir Temur ko‘chasi Matbuot;
Samarqand shahri Universitet xiyoboni 15, SamDU filologiya fakulteti
Tel.: +99891 527 68 22 Telegram raqami: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru

ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА “АЛИШЕР НАВОИ”

Международный журнал “Алишер Навои” будет включен в систему Crossref.org Соединенных Штатов Америки и каждой статье будет присвоен DOI. Статьи для публикации в журнале принимаются по следующей тематике:

- **НАВОИ И ВСЕМИРНАЯ ЛИТЕРАТУРА**
- **НАВОИ И ВОПРОСЫ ЯЗЫКОЗНАНИЯ**
- **ТЮРКСКАЯ И УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА ЭПОХИ ТЕМУРИДОВ**
- **БЕСЦЕННЫЕ РУКОПИСИ** (рукописи произведения Навои, проблемы наследия Навои и текстологии)
- **ОКЕАН МЫСЛЕЙ** (переводы произведений Навои на английский, французский, немецкий, русский, китайский, японский, корейский, индийский языки)
- **ИЗЫСКАННОСТЬ ПРОЗЫ И ПОЭЗИИ НАВОИ** (для исследований в области прозы и поэзии Навои)
- **НАУКА, МИР И УЧЕНЫЙ** (научное наследие Навои и его научные взгляды)
- **ПУТЬ К ИСТИНЕ** (философские взгляды Навои)
- **ДУХОВНОЕ ОЗАРЕНИЕ** (Навои и ислам, нравственно-духовные воззрения Навои, Навои и суфизм)
- **ПОЭТИКА НАВОИ** (вопросы поэтики, системы аруз, ритмики и рифмы)
- **ИССЛЕДОВАНИЕ ТЮРКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ**
- **НАВОИ И ВОПРОСЫ ЛИТЕРАТУРНОГО ВЛИЯНИЯ**
- **НАВОИ И ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ**

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЕЙ:

- Объем статьи: около 10-15 страниц;
- Статьи принимаются на **узбекском, турецком, русском, английском и французском языках**;
- Структура статьи:

1. Название статьи.
2. И.Ф.О. автора, должность, научная степень, место работы (учёбы), область, республика, электронная почта.
3. Аннотация (краткое содержание и цель статьи, статьи в объеме 100-150 слов) на **узбекском, русском и английском языках**.
4. Ключевые слова и выражения на **узбекском, русском и английском языках** (7-10 слов).
5. Вступление (Introduction)
6. Основная часть (Main part)
7. Результаты и обсуждение (Results and Discussions)
8. Заключения (Conclusions)
9. Литература (References) в алфавитном порядке (15-20 наименований).

- Шрифт текста – Times New Roman; размер — 14 пунктов; межстрочный интервал — 1,5;
- Сноски приводятся в квадратных скобках с указанием *фамилии автора – года издания – страницы* [Мўминов 2020: 25];
- Параметры страницы: слева 3 см, справа 1,5 см, сверху и снизу по 2 см;
- Ответственность за научную обоснованность, достоверность приведенных в статье данных и оригинальность несут авторы статьи.
- Статьи проходят обязательную экспертизу. В журнале публикуются **статьи, рекомендованные экспертами к публикации**;
- Нерекомендованные публикации статьи не публикуются и не возвращаются авторам.
- В одном номере журнала публикуется только 1 статья автора.
- В конце статьи необходимо указать контактный номер автора.

НАШИ КОНТАКТЫ:

Ташкент, проспект Амира Темура, улица Матбуотчилар;
Самарканд, Университетский бульвар, 15, факультет филологии СамГУ
Тел.: +99891 527 68 22 Телеграм номер: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru

ALISHER NAVOI INTERNATIONAL JOURNAL INFORMATION LETTER

Alisher Navoi International Journal is entered into the United States Crossref.org system and each article is assigned a circle number. The magazine publishes articles on the following sections:

• **NAVOI AND WORLD LITERATURE**
• **NAVOI AND LINGUISTIC ISSUES.**
• **TURKISH AND UZBEK LITERATURE OF THE TEMURIDS PERIOD**
• **INVALUABLE ESSAYS** (for manuscripts of Navoi's works, Navoi's heritage and textual issues).
• **ORIGINAL WORK** (mainly in English, French, German, Russian, Chinese, Japanese, Korean, Hindi).
• **BEAUTY OF NAVOI PROSE AND POETRY** (for research on Navoi prose and poetry).
• **SCIENCE, THE WORLD AND SCIENTIST** (for Navoi's scientific heritage and views on various sciences).
• **JOURNEY TO THE TRUTH** (Navoi's philosophical views).
• **THE LIGHT OF ENLIGHTENMENT** (Navoi and Islamic enlightenment, Navoi's religious-enlightenment views, Navoi and mysticism).
• **NAVOI POETICS** (Issues related to eloquence, maturity, art, rhyme and rhyme).
• **RESEARCH OF TURKISH CLASSICAL LITERATURE AND ITS COMPARISON WITH OTHER LITERATURE**
• **NAVOI AND LITERARY INFLUENCE ISSUES.**
• **NAVOI AND EDUCATIONAL ISSUES.**

REQUIREMENTS FOR ARTICLES:

• the article is presented in 10-15 pages;
• Articles are accepted in **Uzbek, Turkish, Tajik, Russian, English, French;**
• Structure of the article:
1. Article title.
2. Full name of the author, position, academic title, place of work (study), region, republic and e-mail address.
3. Annotation (brief content and purpose of the article, should be 100-150 words) is given in **Uzbek, Russian, English.**
4. Key words and phrases in **Uzbek, Russian, English** (should be 7-10 words).
5. Introduction
6. Main part
7. Results and Discussions
8. Conclusions
9. References - listed in alphabetical order (15-20 references).
• The article is prepared in Times News Roman font, 14 sizes, 1 space;
• references are given in parentheses in the form of the author's name - date of publication - page [Muminov 2020: 25];
• sides of the article left: 3 cm, right: 1.5 cm, top and bottom: 2 cm;
• The author (s) are responsible for the scientific validity, reliability and copying of the information and evidence presented in the article.
• Articles will be examined. Only articles recommended by experts will be published in the journal;
• Un recommended articles will not be published and will not be returned to the authors.
• Only 1 article by the author is published in 1 issue of the magazine.
• The author (s) must enter a phone number at the end of the article.

ADDRESS:

Tashkent city, Amir Temur street Press; Samarkand University Boulevard 15,
SamSU Faculty of Philology Phone: +99891 527 68 22
Telegram number: +99891 527 68 22 E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ALİSHER NAVOİY. ADİBLAR XİYOBONİ

АЛИШЕР НАВОИ. АЛЛЕЯ ЛИТЕРАТОРОВ

ALİSHER NAVOİ. ALLEY OF LİTTERATEURS